

ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН АЛОҚАЛАРИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҲАМКОРЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисийнинг таклифига биноан 18 июнь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



“Меҳробод” халқаро аэропортида Техрон шаҳрига келган Олий мартабали меҳмонни Эрон саноат, кончилик ва савдо вазири Аббос Алиободий ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

“Саадобод” мажмуасининг “Жумҳури” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий қутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий қутиб олди.

Сарой олдидagi майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Эроннинг давлат байроқлари кўтарилди.

Харбий оркестр икки мамлакат мадҳияларини ижро этди.

Президентлар фахрий қоровул сафни олди-дан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Биргаликда суратга тушиш маросимидан сўнг етакчиларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Эрон Президентига ушбу мамлакатга ташриф билан келиш таклифи ҳамда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Икки томонлама амалий ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Томонлар савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклики янада кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратишлари таъкидланди.

Президентлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт ва логистика соҳасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш имкониятларини муҳофаза қилдилар.

Марказий Осиёни Эрон билан боғловчи энг қисқа транспорт-логистика йўлак-

ларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергетика, кимё саноати, фармацевтика ва тиббиёт технологиялари, озик-овқат саноати, тўқимачилик, саноат қурилиш материаллари, машинасозлик, ускунасозлик ва электротехника тармоқларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чоралари кўриб чиқилди.

Аграр йўналишда иссиқхоналар ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқариш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, богдорчилик ва балкичиликда, қуруқчиликка чидамли экин турларини селекция қилишда тажриба алмашиш соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Томонлар маданий, илмий-инновациявий алоқаларни кенгайтиришга интилишини қайд этдилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ишбилармонлар ва олимлар ўртасидаги мулоқотларни ривожлантиришга қўмаклашишни таъкидланди.

Халқаро терроризм, наркотрафик, кибертеррорчилик, одам савдоси каби глобал хавф ва таҳдидларга қарши курашишда томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, ушбу мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий тикланишига қўмаклашишни масалалари юзасидан мулоқотни давом эттиришга келишиб олдilar.

Турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисийнинг музокаралари икки мамлакат рас-

сий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Халқларимиз ўртасидаги азалий маданий-тарихий алоқалар Ўзбекистон — Эрон муносабатларини ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарининг Эронга ташрифи икки томонлама алоқаларни кенг қамровли ҳамкорлик даражасига кўтаришга қаратилган.

Президентлар тор доирадаги учрашув якунларини юқори баҳоладилар ҳамда куни кеча Ўзбекистон ва Эрондан 200 нафардан зиёд тадбиркорлар иштирокида ўтган бизнес-форум натижаларини олқишладилар.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазириликлари билан конструктив мулоқот ва парламентларимиз ўртасида яқин ҳамкорлик олиб борилаётгани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий соҳада ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бораётгани кузатишмоқда. Мамлакатларимизнинг транспорт-транзит коммуникацияларидан фойдаланишни кенгайтириш ишбилармонлик алоқаларининг фаоллашишига ва юк ташкилларнинг ортишига ишонч билдирилди.

Инновациялар, суъний интеллект, нанотехнологиялар, кибернетика, технологиялар трансфери каби соҳаларда тажриба алмашиш муҳимлиги қайд этилди.

Худудлараро ҳамкорлик ривожланаётгани, жумладан, Бухоро вилояти ва Ҳамадон устони, Самарқанд ва Исфохон шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатаётгани қўллаб-қувватланди.

Икки мамлакат пойтахтлари ўртасидаги мунтазам авиақатновларнинг кўпайиши ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимидаги ошадиган хизмат қилишга ишонч билдирилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси фондларида сақланган қадимги қўлёзмаларни чуқур ўрганиш учун қўшма илмий гуруҳ тузишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари бир қатор қўшма “йўл хариталари”ни тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини жорий қилиш бўйича топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида Қўшма баёнотни имзолادилар.

Бундан ташқари, ташриф доирасида ҳукуматлар, идоралар ва худудлар даражасида 15 та ҳужжат қабул қилинди.

Ҳукуматлар ўртасидаги имтиёзли савдо тўғрисидаги битим, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Эрон Миллий стандарт ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Технологиялар ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Ҳаракатлар режаси шулар жумласидан.

Қўшма эркин иқтисодий зоналари ташкил этиш, фармацевтика, транспорт ва транзит соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар қабул қилинди.

Шунингдек, Спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси, Низоларни ҳал этиш ва арбитраж тўғрисида англашув меморандуми, Қайта суғурталаш соҳасида ҳамкорлик бўйича факультатив битим ва бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикасига расмий ташрифи доирасида Техрон шаҳрида инновациялар ва технологиялар ихтисослаштирилган кўرғазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарига Эрон Президенти Иброҳим Раисий ва бошқа расмий шахслар ҳамроҳлик қилди.

Кўрғазмада Эроннинг йирик илм-фан ва ишлаб чиқариш компанияларининг юқори технологиялар ва инновациялар, машинасозлик, ускунасозлик, тиббий техника, фармацевтика, замонавий қурилиш материаллари, тўқимачилик тармоқларидаги маҳсулотлари тақдим этилган.

Ўзбекистон етакчиси компанияларнинг стендларини кўздан кечирди. Эрон саноатчилари турли турбиналар, дори воситалари ва уларнинг ингредиентлари, тиббий ускуналар, нефть катализаторлари ва суъний матолар борасидаги энг янги ишланмаларини намойиш этди.

Президентиимиз компаниялар раҳбарлари билан мулоқот қилди, янги технологияларнинг тақдимотлари билан танишди. Кўрғазма билан танишув якунида Ўзбекистонлик мутасаддиларга эронлик тадбиркорлар билан биргаликда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мамлакатимизда Эрон технологиялари ва инновацион ечимларини жорий қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрида Эрон инновациялар ва технологиялар уйининг (IHIT) филиали очилди. Унинг фаолияти инновацион технологиялар ва илмий ишланмалар трансфери соҳасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташрифи доирасида Эрон Ислом Республикаси Олий диний раҳбари оятуллоҳ Сайид Али Хоманейи билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Эрон заминида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Дўстона суҳбатда томонлар ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида режалаштирилган чора-тадбирларни муҳофаза қилдилар.

Кўп асрлар давомида халқларимизни маданий-тарихий муштараклик боғлаб тургани алоҳида қайд этилди.

Ўзаро мулоқотлар фаоллашиб бораётгани мамнуният билан қайд этилиб, истикболли қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Савдо, инновациялар ва юқори технологиялар, инвестициялар, саноат кооперацияси, транспорт ва коммуникациялар, туризм ва маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалий ишлар қилинаётгани таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув самимий ва ишончли муҳитда, конструктив мулоқот руҳида ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислом Республикасига расмий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Элчи Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ:

ХАЛҚЛАРИМИЗ БИР-БИРЛАРИГА ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ БИЛАН МУНОСАБАТДА

Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси минтақанинг икки муҳим давлати сифатида қўллаб тарихий ва цивилизациявий муштаракликларга эга. Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илм-фан, маданий соҳаларида муносабатлар янги босқинга кўтарилди. Икки мамлакат раҳбарларида кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлашга нисбатан кучли ирода мавжудлиги халқларимиз ўртасидаги яқинлиқни ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Бизнинг интервью

— Икки дўст мамлакат — Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари хусусида суҳбатланди.

вожланиб бормоқда. — дейди элчи. — Тарихий ва маданий муштаракликлар-

га, ҳар иккала халқ учун бир хилда фахр-ифтихор манбаси ҳисобланган алломаларга эга давлатларимизнинг иқтисодий салоҳияти кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади. Эрон йўналиши Ўзбекистоннинг очик дегизга чиқиши учун энг қулай йўлдир. Бир юз йилгирма миллион кишалик бозор, шунингдек, Эрон ва Ўзбекистонда мав-

жуд бўлган маҳсулотлар ва товарларнинг хилмаҳиллиги икки давлат тадбиркорлари учун нодир имкониятдир. Халқларимиз бир-бирларига юксак ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда — турли тилда гапирса-да, фитрати, табиати бир-бирига яқин ҳамда бир-бирлари тўғрисида ижобий таъсаввурга эга.



2

Нуқтаи назар

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ СИЁСИЙ ҲУҚУҚИ

Сайлов фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминловчи сиёсий ҳуқуқи саналади. Сайлов ҳуқуқи соҳасидаги тамойиллар ва стандартлар 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида бежиз акс этмаган.

Қолаверса, ҳозирда эркин сайлов ташкил қилиниши ва ўтказилишини таъминлаш бўйича 20 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномалар амал қилади.

Умуман олганда, демократик сайловлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг тантанаси сифатида таърифланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида халқ иродаси ҳукумат ваколатининг асоси бўлиши кераклиги таъкидланган. Яъни инсон ҳуқуқлари ва демократия чамбарчас боғлиқ бўлиб, сайловлар демократиянинг марказида бўлади.



2

Фикр

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН КАТТА ТАШАББУС МАЙДОНИ

Янги Ўзбекистон ислохотлари бошланган илк даврлардан буён мамлакатимизда кўп йиллар ёпиқ мавзу бўлиб келган камбағаллиқни қисқартиришга устувор вазифа сифатида қараб келиняпти ва зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Жумладан, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари қабул қилинди. Иқтисодий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадлари манзил-

ли олиб бориляпти. Буни маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағаллиқни қамайтириш бўйича вертикаль тизим яратилганида ҳам кўришимиз мумкин.

Албатта, бу йўналишда ишни ташкил этишда аҳолини касба ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини

уйғотиш муҳим масала ҳисобланади. Шу боис камбағаллиқка қарши курашиш жараёнини янги босқинга олиб чиқиш, бу ишларга тадбиркорлик субъектларини манфаатли ҳамкорлик асосида жалб қилиш ва уларга қўшмача қулайлиқлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 12 июнь куни “Камбағаллиқни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони имзоланди.



2

Учрашув

ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган Халқаро меҳнат конференциясининг 111-сессияси доирасида ХМТ Халқаро меҳнат стандартлари департаменти директори Корин Варга билан учрашди.

Мулоқот чоғида муносиб меҳнат шaroитини яратиш, меҳнат соҳасида инсон кадр-қиммати ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маъзур йўналишда халқаро стандартларни реал ва изчил жорий этиш масалалари муҳофаза қилинди.

Суҳбат давомида ХМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ишончга асосланган ҳолда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Халқаро меҳнат ташкилоти департамент директори Ўзбекистон томонига ХМТ билан конструктив ҳамкорлик қилиш йўлидаги қатъият ва сиёсий ирода учун миннатдорлик билдирди.

— Ўзбекистон билан кўп йиллик ҳамкорлик натижа-сида олган тажрибамиздан бугунги кунда ХМТ шу каби муаммоларга дуч келаётган бошқа давлатлар билан мулоқот ўрнатишда самарали фойдаланмоқда. Мамлакатингиз ХМТ учун бошқа давлатлар, айниқса, Марказий Осиё минтақасида ўзига хос намунали модель бўла олишини алоҳида таъкидламоқчимиз, — деди К. Варга.

Учрашув сўнггида ХМТ конвенцияларини ратификация қилиш ва улар ижросини таъминлаш йўналишида ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Элчи Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ:

ХАЛҚЛАРИМИЗ БИР-БИРЛАРИГА ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ БИЛАН МУНОСАБАТДА



Бугунги кунда яхши сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатлар, минтақавий ва халқаро масалалардаги ҳамкорликдан ташқари парламентларо алоқалар, олий таълим, маданият, санъат, туризм, хавфсизлик, энергетика, фан ва технологиялар ҳамда минтақаларо алоқа соҳаларида фаол шериклик олиб борилаётир. Эрон ва Ўзбекистон ўртасида маданият, туризм, фан ҳамда технологиялар, хавфсизлик ва энергетика йўналишларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, икки мамлакатнинг турли ҳудудлари ўртасида биро-дарлашган шахарлар муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Англашув мемо-рандумларининг имзоланиши ўзига хос янги ҳодиса бўлиб, ўзаро алоқаларда ўзгариш ясади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Сайид Аббаси Раисиининг 2022 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳ-рида бўлиб ўтган учрашуви юқнари буйи-ча турли соҳалардаги ҳамкорликка оид ўн саккизта ҳужжатнинг имзоланиши муно-

сабатлардаги тарихий воқеа бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Биз Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбе-кистон Республикаси ўртасидаги ҳар то-монлама ҳамкорлиқнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқни олиб ташлаш ҳамда ўзаро алоқаларни кенгайтириш ор-қали дунёда дўстлик, биродарлик ва қар-дошлиқнинг муносиб ҳамда яхши бир на-мунасини яратишга қарор қилганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларининг Эрон Ислом Республикасига амалга оширган расмий ташрифи, унинг доира-сида турли соҳаларга доир бир қатор ҳуж-жатларнинг имзоланиши икки мамлакат муносабатларида катта сакраш ясаши ку-тиломоқда.

— **Икки мамлакат ўртасида-ги иқтисодий ҳамкорлик, асо-сан, қайси йўналишларда ри-вож топмоқда?**

— Ўтган 2022 йили Эрон ва Ўзбеки-стон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2021 йилдагига нисбатан ўсиб, 436 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бирок бу миқдор икки давлатнинг мавжуд иқтисодий салоҳиятига мос эмас. Шунга кўра, бу йўлда ташлианиши кутилаётган илк қадам икки мамлакатнинг ўзаро йиллик савдо айирбошлаш ҳажминини яқин кела-жакда 2 миллиард долларга етказиш мақ-сад қилиб қўйилишидан иборат бўлади.

Ўтган ўн йил давомида савдо-иқтисо-дий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия мажлислари ўтқа-зилиши ҳамда керакли ҳужжатларни им-золашга тайёрлашдан ташқари икки мам-лакат тадбиркорларининг Эрон ва Ўзбе-кистон бозори ҳамда имкониятлари бил-лан яқинроқ танишишлари учун чора-тад-

бирлар амалга оширилди. Жумладан, 2022 йилнинг 9 — 11 май кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуасининг 3-павильонида Эрон ишлаб чиқариш ва саноат ютуқлари биринчи иختисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўтган йилнинг 20 июль куни эса Эрон Ислом Республикаси Президентининг илм-фан ва технологиялар бўйича ўрин-босари Сурено Сатторийнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида мамлакатимизнинг 30 та инновацион компанияси иштироки-да “Ўзбекистон — Эрон фан ва иннова-ция форуми” ўтказилди. Булар фан ва тех-нологиялар соҳасидаги ҳамкорлиқнинг ри-вожланиши, алоқаларнинг чуқурлашиши ва маданий боғлиқликларнинг кенгайишига хизмат қилади.

Икки мамлакат бозори ва потенциал-лари билан яқиндан таништириш мақсадида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳам-корлик бўйича ҳукуматларо комиссия мажлисларининг, иختисослаштирилган ва вилоятлар салоҳиятлари бағишланган кўргазмаларнинг мунтазам ўтказиб тури-лиши, “Энг кўп қулайлик режими асосида нисбий имтиёзларга ва бозордаги эркин рақобатга асосланган савдо ҳамкорлиги тўғрисида” ҳамда “Савдо имтиёзлари тўғри-сида”ги битимларни ишлаб чиқиш устида-ги ишларни низоҳасига етказиб, уни имо-лашга тайёрлаш, мамлакатларимиз тад-биркорларини рағбатлантирувчи механизм-лар яратиш, хусусий секторлар компания-лари ўзаро алоқаларининг ўрнатилишига қўмаклашиш, икки давлат ўртасида виза-сиз режим ўрнатиш ва фуқароларнинг ўзаро борди-келдиларини осонлаштириш, комби-нациялашган ташувларни ривожлантириш ҳамда автомобиль ва темир йўл транс-порти йўналишларидан бир вақтда фойда-ланиш, эркин савдо режимини ўрнатиш то-

мон ҳаракат қилиш, нефть ва нефть-кимё маҳсулотларини ўзаро савдо номенклату-расига киритиш, турли соҳалардаги алоқа-ларнинг ривожланиш жараёнини доимий равишда мониторинг қилиб бориш, эҳти-молий тўсиқларни бартараф этиш бу йўлда-ги таъсирчан ва самарали чора-тадбир-лардан бўлиши мумкин.

— **Ўзбекистонда ҳам, Эронда ҳам сайёҳлик ва зиёрат маскан-лари жуда кўп. Бу жабҳада ҳам-корликни янада ривожлантириш учун қандай чоралар кўриш мақ-сада мувофиқ бўлади?**

— Ўзбекистонга келган бирор-бир эронлик ёхуд Эронга борган бирор-бир ўзбекистонлик ўзини бегона юртда юр-гандек ҳис қилмайди. Бу ўзаро тарихий боғлиқликдан далолат беради. Ўзбеки-стоннинг барча шаҳарлари эронликлар учун яхши таниш бўлиб, Эронда Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Термиз ва Тошкент каби шаҳарларни билмаган, улар тўғри-сида тарихий ёки бадий асарларда ўқима-ган киши топилмайдми, десак, муболаға бўлмайди.

Эронликлар ўтмишда ўз шеърларида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Хива, Урганч ва Термиз каби кентларни мадҳ этганлар. Улар бугун Ўзбекистонга сафар қилиб, ин-сонга бой хотиралар бағишловчи ушбу гўзал шаҳарларни яқиндан кўриш имкони-ятига эга. Ҳар бир эронлик бир марта бўлса-да ушбу манзиларни томоша ва зиёрат қилишга ҳудудам ошмади. Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Камолитдин Беҳзод, Султонли Маҳмадӣ каби алломалар ҳар иккала халқ бирдек фахрланидиган си-молалар бўлиб, аслида бир қадимий дарахтнинг турли меваларидир.

Эроннинг Хуросон диёри ва ундаги Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Сарахс, Кошмар ва Турбати Жом каби шаҳарлар-да темирйўллар давридан сақланиб қолган тарихий-меъморий ёдгорликларда акс эт-ган меъморчилик санъати намуналари кўп-лаб учрайди. Булар ўзбекистонлик сайёҳлар учун қизиқ ва жозибали бўла-олади. Машҳад шаҳрида Имом Ризо мақ-бараси мажмуаси, Гавҳаршодбегим мас-жиди, Нодиршоҳ мақбараси, Тус шаҳри-даги буюк шоир Фирдавсий мақбараси, темирйўллар даврига оид кўп-лаб асарлар ва буюмлар сақланидиган Разавий му-зейи каби обидалар ҳам шулар сирасига киради.

Кўп-лаб қадимий меъморчилик обида-ларида бир-бирини такрорлайдиган жиҳат-лар бор. Масалан, Самарқанддаги Регис-тон мажмуаси Исфажондаги Нақши Жаҳонга ўхшаб кетса, Язд ва Хива ша-ҳарларининг тарихий ёдгорликлари кўп жи-ҳатдан бир-бирига яқин.

Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбеки-стон Республикаси ўртасидаги маданий ҳамда зиёрат туризмининг ривожлантириш ўзаро манфаатларга асосланган оқилона стратегия бўлиб, ўзаро виза режимини бекор қилиш, ҳаво, темир йўл ва автобус қатновларини хилмаҳиллаштириш ҳамда кенгайтириш ва икки мамлакат туристик секторлари иштирокчилари ўртасида ҳам-корлик ўрнатиш каби механизмлар ярати-лишини талаб қилади.

— **Яқинда Эрон Ислом Респуб-ликасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га тўлақонли аъзо бўлиб кириши кутилаети. Бу Эрон ва Ўзбекистон, қолавер-са, бошқа аъзо давлатлар билан алоқаларига қанчалик таъсир кўрсатади?**

— ШХТга аъзо давлатлар аҳолиси дунё нуфусининг қарийб ярмини, ҳудуди эса дунёнинг тўртдан бир қисмини ташкил эта-ди. Улар маданият ва цивилизация нуктаи назаридан ҳам ўта қадимий бўлиб, жаҳон тарихий ва туристик марказларининг кат-та қисми ушбу мамлакатларда жойлаш-ган. Дунё ҳунармандчилик маҳсулотлари-нинг ҳам сезиларли қисми айнан шу давлатларда тайёрланади.

Халқаро транспорт коридорлари нуктаи назаридан ҳам дунёнинг қуруқлик, денгиз ва ҳаво орқали кўп-лаб энг муҳим кори-дорлари ана шу мамлакатлар ҳудудлари-дан ўтади. Шунингдек, улар саноат тарақ-қиёт учун лозим бўлган нефть, газ, ол-тин, темир, мис ва бошқа ер ости ре-сурсларига бой бўлиб, бугдўй, шолӣ, пахта, писта, заъфарон, мевалар ва зи-раворлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда юқори ўринларни эгаллайди.

Шунга кўра нуфузли бир ташкилот ўлароқ, ШХТга аъзо давлатлар турли, жум-ладан, сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, транзит, туризм ва маданият соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик по-тенциалига эгадир. Бундай яқинлик мин-тақа ва жаҳонда тинчлик-фаровонлиқнинг ўрнатилишига олиб келади. Эрон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо бўлиб ки-риши билан ушбу ташкилотнинг жуғрофий ҳудуди ҳамда стратегик ва иқтисодий ку-драти анчагина мустақамланади, ташки-лотга аъзо давлатлар ўртасидаги икки то-монлама алоқалар ҳам кучаяди.

Сўзининг якунида фурсатдан фойда-ланиб, Ўзбекистоннинг улуғ ва меҳмондўст халқига тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб қоламиз!

Абдували СОЙБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ

БОШҚАРУВИДАГИ ИШТИРОКИНИ

ТАЪМИНЛОВЧИ СИЁСІЙ ҲУҚУҚИ

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғри-сидаги халқаро пактда ҳам сайлов жараёни халқ сиёсий иродасининг ифодаси эканлиги ва сайлов жараёни-рида турли ғояларни ифода этиш ҳамда илгари суриш ҳуқуқи қатъий ҳимоя қилиниши керак-лиги белгиланган. Аниқроқ айт-ганда, сайловчиларнинг сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқларининг таъминланиши орқали уларга тўлиқ ва аниқ маълумот олиш имкони яратилади.

Шу кунларда дунё ҳамжамия-тининг диққат-эътибори яна Ўзбекистонга қаратилган. Яқин-да муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Конституцияимизнинг 128-мод-дасида “Ўзбекистон Республика-сининг фуқаролари давлат ҳоким-ияти вакиллик органигага сай-лаш ва сайланиш ҳуқуқига эга-дирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хошии-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун бил-лан қафолатланади”, деб белги-ланган. Фуқароларнинг бу ҳуқуқини тўла рўёбга чиқариш учун сўнгги йилларда сайловга оид қонунчилиқни халқаро стандар-ларга мос равишда такомил-лаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада хорижда вақтинча яшаб турган меҳнат му-ҳожирлари, талабалар ва бошқа юртдошларимизнинг сайловда иштирок этиши учун кенг ша-роитлар яратилди. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга овоз бериш имконияти берилди.

Айтиш жоизки, ушбу норма-лар баъзи демократик давлат-лар қонунчилигида ҳам мавжуд эмас.

Халқаро экспертлар сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ва ҳаракат-ланиш эркинлиги чекланган ёпик муассасаларда сақланаётган шахсларни қўриқлиши мумкин-лиги нуктаи назаридан жуда заиф электорат сегменти, деб ҳисоб-лайди. Шунинг учун ҳам Омбудс-ман пенитенциар муассасалар-га мониторинг ташрифларини амалга оширганда сайловчилар-нинг ҳеч қандай таъйиқ ва мо-неликсиз яширин овоз бериш ҳуқуқлари таъминланиши нуктаи назаридан сайлов участкасининг белгиланган талабаларга муво-фиқ ҳисобланганлиги ўрганади. Айни чоғда сайловчиларнинг тан-лаш, номзодларнинг эса тенг тарғибот қилиш ҳуқуқлари таъ-минланиши мақсадида монито-ринг жараёнида номзодларга, уларнинг ишончли вакиллари-га, сиёсий партияларга фуқаролар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратилиши каби ҳолатлар ҳам диққат-эъти-боримизда бўлади.

Белгиланган тартибга кўра, сайлаш ҳуқуқига эга маҳкумлар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш ҳолатларида тузил-ган сайлов участкаларидати сай-ловчилар рўйхатига киритилади. Сайловчиларнинг рўйхатлари эса

мазкур муассасалар раҳбарла-ри томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва Сайловчилар ягона электрон рўйхатидан жой олади. Агарда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган муассасаларда маҳ-кумнинг сайлаш ҳуқуқи бўла ту-риб, унда иштирок этишига тўсиқлиқ қилиш ҳолатлари бўйи-ча муҳожаатлар келиб туша, улар дарҳол жойига чиқиб ўрга-нилади.

Сайлов куні қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойи-ларининг маъмурият маҳкумлар-нинг сайлов участкасига кириб чиқиши ва хавфсизлигини таъ-минлаш, шунингдек, ички тар-тиб-қоидаларга риоя этиши учун масъул ҳисобланади.

Қамоқда сақлаш ва озодлик-дан маҳрум этиш жойларида ту-зилган участка сайлов комиссия-лар мақсуд муассасаларнинг маъмурияти билан биргаликда сайловчиларни сайлов тўғриси-даги қонунчилик ҳужжатлари, сай-ловга тайёргарлик қўриш, уни ўтказиш жараёнлари, сайлов ўтказиш вақти ва тартиби ҳамда номзодлар ҳақида хабардор қилиб боради. Бундан ташқари, номзодларга, уларнинг ишончли вакиллари-га, сиёсий партиялар-га фуқаролар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароит-лар яратиб берилиши лозим.

Шундагина маҳкумлар номзод-лар томонидан қўриалаётган та-шаббуслар асосида улардан би-рини танлайтиш ва сайлаш ҳуқуқидан фойдаланади.

Таъкидлаш лозимки, Сайлов кодексининг 7-моддасида яши-рин овоз бериш сайловчининг хошии-иродаси устидан ҳар қан-дай тарзда назорат қилиш им-кониятини истисно этадиган те-гишли шароитларни яратиш ор-қали таъминланиши белгиланган. Шунингдек, унда Ўзбекистон Рес-публикаси барча фуқаролари-нинг, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахслар-нинг ҳуқуқ ва эркинликлар тенг-лиги қафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ра-тификация қилган бўлиб, унинг 29-моддасида иштирокчи дав-латлар ногиронлиги бўлганлар-нинг сиёсий ҳуқуқларини ва бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини ка-лаш, ногиронлиги бўлганлар бошқалар билан тенг ра-вишда сиёсий ва ижтимоий ҳаёт-да бевосита ёки эркин сайлан-ган вакиллари орқали самарали ҳамда ҳар тарафлама иштирок этиши, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари-га эга бўлишини, жумладан, овоз бериш тартиблари, бинолари ва ма-териаллари аниқлаш ва фой-даланиш учун мос ва осон бўли-шини таъминлаш мажбуриятла-рини олиши белгиланган.

Ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда қатнашиш орқали нафақат ўз сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланадилар, балки бу ор-



қали ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилади.

Тараққий этган демократик ҳуқуқий давлатларда сайловлар-нинг адолатли ўтиши ҳар бир сайловчининг овоз бериш жа-раёнида иштирок этишини таъ-минлаш борасида яратилган шарт-шароитларнинг сайловчи фуқаролар учун қулайлиги, кенг-лиги ҳамда ҳуқуқий асосга эга экани билан белгиланади. Ўзбе-кистон миллий сайлов қонунчи-лигида ҳам барча сайловчилар-га овоз бериш жараёнида тўсиқлиқсиз қатнашишини таъ-минлаш борасида муҳим қоида-лар белгиланган.

Улардан бири сайловчилар-нинг муддатидан олдин овоз бе-риш ҳуқуқи институтидир.

Қайд этиш лозимки, сайловлар-да муддатидан олдин овоз бериш тартиби илгор хорижий давлатлар-да, хусусан, Германия, Франция, Россия, Финляндия, Норвегия, Польша, Руминия ва бошқа кўп-лаб давлатларда мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 57-модда-сига мувофиқ, сайлов куні ўз яшаш жойида бўлиш имкония-тига эга бўлмаган сайловчи му-датидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қол-ганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади.

Сайловда Ўзбекистон Респуб-ликасининг ҳат давлатлардаги консуллик рўйхатида турган ёки турмаганлигидан қатъи назар, хорижда истиқомат қилаётган барча фуқароларимиз учун ўша мамлакатларда ташкил этилган сайлов участкасида овоз бериш имконияти яратилади.

Хулоса ўрнида айтганда, сай-лов жараёнларида фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқини таъминлаш, уларга белгиланган тартиб-тао-милар асосида шароитлар яратиш ҳамда сайловнинг очик, адолатли ва албатта, тенг сай-лов ҳуқуқи асосида ўтказилиши эътиборга молик масалалардан-дир. Фуқаролар эса сайлаш ҳуқуқини амалга ошириши учун давлат томонидан яратилаётган шароитлардан унумли фойдала-ниб, ўз ҳуқуқидан фаол фойда-ланиши, мамлакат келажагига бефарқ бўлимаслиги лозим.

Айтамоқчи бўлганимиз шуки, сайловда ўз овозингиз билан қатнашинг. Зеро, бу сизнинг мамлакат Бош қомусида акс эт-ган сиёсий ҳуқуқингиздир.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ

КАТТА ТАШАББУС МАЙДОНИ

Унга кўра, мамлакатим-изда “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури амалга оширилади. Мазкур дастурда тадбиркорлар ҳамкорлик шартномалари асосида ихтиёрий ра-вишда иштирок этади. 2023-2024 йил-ларда дастури амалга ошириш учун жами 1 миллиард АҚШ долларі микдориди кредит ажратилади. Бун-да дастурга киритилган тадбиркор-лик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2023 йилда Тикланиш ва тараққиёт жағмагар-сидан тижорат банклариға 100 мил-лион АҚШ долларі эквивалентида кредит линияси очилади.

Оилавий тадбиркорлиқни ривож-лантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисоби-дан 1 триллион сўм йўналтирилади. Халқаро молия ташкилотларидан 200 миллион АҚШ долларі микдо-рида кредитлар жалб қилинади. Кредит линияси маблағлари тижо-рат банклариға 10 йил муддатта, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 фоиз ставкада берилади.

Мазкур жараёнда бир қатор им-тиёз ва преференциялар қўлланили-шини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Жумладан, тадбиркорлар томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда 2025 йил 1 январгача, тадбиркорлар ушбу фуқароларга ка-мида бир йил давомида ҳар ой меҳ-



натга ҳақ тўлашнинг энг кам микдо-рининг 1 баравари даражасидан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаб, бандлигини таъминлаган ва улар жами ишчи-лар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда, мол-мулк ва ер со-ликларидан имтиёз берилади.

Шунингдек, фуқаролар ишга қабул қилинганда ҳамда ҳар бир ой учун иш ҳақи микдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражасининг 1 бараваридан кам бўлмаган мик-дорда ҳисобланганда, ойлик иш ҳақи бўйича тўланган жисмоний шахслар-дан олинадиган даромад солиғи рес-публика бюджетидан иш бевурича (ҳар бир ишчи учун БҲМнинг 2 ба-раваригача) қайтариб берилади ҳамда уларга ижтимоий солиқ став-каси 50 фоизга қайтарилган ҳолда қўлланлидир. Тадбиркорларга айрим турдаги солиқлар ҳамда боғжона тўловларини таъминотсиз ва фоиз-сиз бир йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари,

тадбиркорлар давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари ва ерга бўлган ҳуқуқларни аукцион орқали сотиб олганида, тўловларни 5 йил-гача бўлиб-бўлиб тўлашлари мум-кин бўлади.

Шу ўринда солиқ ва боғжона маъ-муриятчилигини соддалаштириш бо-расида белгиланган устувор вази-фаларга ҳам алоҳида эътибор қара-тиб ўтиш лозим. Белгилаб қўйилди-ки, қўшилган қиймат солиғи сумма-си ўрнини қоплаш (қайтариш), шу-нингдек, барча солиқ турлари бўйи-ча мавжуд ортқича тўлов суммасини қайтариш бир кун муддатда тезлаш-тирилган тартибда амалга ошири-лади. Шу билан бирга, товарлар импортида ва товарлар ёки хизмат-лар реализациясида тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммалари биринчи божхона ва солиқ органларининг ҳисоб тизимларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти берилади. Энг эътиборлиси, божхона назора-тини амалга оширишда “яшии йўлак” қоидалари амал қилади.

Қўрилаётган ушбу чора-тадбирлар ҳудудларнинг йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда кичик ва ўрта ша-ҳарларни ривожлантириш, маҳалла-ларни саноатлаштириш, тадбиркор-лик фаолиятини кенгайтириш ва ри-вожлантиришга хизмат қилиши бил-лан бирга, аҳолининг бандлиги ҳамда доимий даромад манбаига эга бўли-шида ҳам муҳим омилдир. Бу зан-

жирнинг бир бутун бўлиши иқтисо-дий ўсишни таъминлайди. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, фаровонлик олиб келади.

Шунингдек, Фармонга асосан, “Қасб эгаси” дуал таълим тизими тажриба тариқасида ишга тушири-лиши ҳам алоҳида эътиборга молик. Бу тизим орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида қўшимча ишчи кучи ва уларнинг ма-лакасига бўлган талаб шаклланти-рилишига эришилади. Таълим жараё-нини бевосита корхоналарда амалга ошириш бир томондан, назария ва амалиёт интеграциясини таъминла-са, иккинчи томондан, талабалар учун даромад манбаини вуҷудга келти-ради. Бунда Бандлиққа қўмаклашиш давлат жағмагармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ой учун иш ҳақининг 2 миллион сўмгача бўлган қисми қоплаб берилади.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Фармон билан белгилаб берилаёт-ган имтиёзлар тадбиркорлик субъектлари учун катта ташаббус майдонини юзага чиқаради, халқим-из доимий даромад манбаига эга бўлиб, харид қобилияти ошади. Бу, ўз навбатида, одамларнинг муносиб ҳаёт кечирishi ва оилаларнинг фар-овонлигига хизмат қилади.

Ноҳир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Сенатор ва ҳаёт

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, ҳар бир ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини яқиндан ўрганмоқда. Эътиборлиси, бу жараёнда ҳар бир масала парламент назорати асосида кенг таҳлил қилиниб, мутасаддиларга зарур тавсиялар бериляпти.

Хусусан, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик ма-салалари қўмитаси раиси К. Бурҳонов Тошкент ви-лоятининг бир қатор туманларида бўлиб, ўрганиш олиб бормоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Давлат хизматлари мар-казида ўтказилган тадбирда туман Кенгаши депу-татлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисла-ри, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ва ҳоким ёрдамчилари иштирок этди.

Унда Сенатнинг охириги иккита ялпи мажлисида қўрилган қонунлар ва бошқа масалалар мазмун-муҳити батафсил тушунтириб берилди. Айниқса, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига норасмий бандлиқни қисқартиришга қара-тилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғриси-да”ги қонун ўзини ўзи банд қилган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилгани, у бил-лан Солиқ кодексига ва “Томорқа ҳўжалиги тўғри-сидаги” Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритил-гани, ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқни тўлаш-га руҳсат этилиши мулоқот иштирокчилари томо-нидан хурсандчилик билан кутиб олинди.

Сенатор М. Парпиев Уйчи туманида “Бир ма-ҳалла — бир маҳсулот” тамойили бўйича олиб бо-рилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида ишни маҳаллабай ташкил этиш аниқ натижа беради-ки тизим эканлиги амалда исботланмоқда. Жумла-дан, Уйчида ўзига хос тизим яратилган бўлиб, унга кўра, ҳар бир маҳалла иختисослашувидан келиб чиқ-қан ҳолда “Ўсиш нукталари” белгилаб олинляпти.

Бу орқали ҳар бир маҳаллада азалдан ривож

топган соҳалар, яъни маҳаллий аҳоли кўпроқ қайси фаолият тури билан шуғулланса, айнан шу ва шун-га ёндош фаолият турларини янада ривожланти-риш, бу борада яқна тадбиркорлиқни қўллаб-қув-ватлаш, бозор талабига мувофиқ муайян соҳани изчил йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва пиров

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

16 — 18 июнь кунлари уюштирилган ва Бухоронинг ўзига хос брединга айланган “Ипак ва зирavorлар” фестивали боис неча минг йиллик тарихга эга қадимий кўчалар, қарвонсаройлар, савдо мажмуалари байрамона қиёфа касб этди. Шаҳар узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан янада гавжумлашди.

Тадбир

Турнақатор тизилган расталарда хунармандларнинг қўли қўлига теғмади. Ипак матоларнинг жилваси кўзларни қамаштирди. Зирavorларнинг хушбўйи минг йиллар қаъридан келаётгандек таассурот уйғотди.

— Ушбу фестиваль биз учун, аввало, бозор вазифасини ўтайди, — дейди марғилонлик хунарманд Ҳамдам Абдурахимов. — Унда қатнашиб кам бўлаётганимиз йўқ. Адрасу баҳаммалларимизга талабгор кўп. Боиси маҳсулотларимиз сифати билан ажралиб туради. Биргина адрасни тайёр ҳолга келтирунға қадар 15 та жараённи бажарамиз. Бирваракайига 450 метрча мато тўқиймиз. Хуллас, ушбу ноёб меросни — моҳир усталар яратган услуб ва мактабларни янада тақомиллаштиришга катта эътибор қаратмоқдамиз.

“Ипак ва зирavorлар” фестивали хорижлик хунармандларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Афғонистонлик Басир Аҳмад Шаҳизода ҳам

ўз хайрат ва ҳаяжонини яшира олмади.

— Афғонистоннинг Фарёб вилоятидан келдик, — дейди у. — Ушбу фестивалда бу йил саккизинчи бор иштирок этишим. Ҳар келганимда бу ердаги тинчлик, осойишталик, хотиржамликни қўриб ҳавасим ортади. Халқингизнинг ўз қадриятларига содиқлиги катта ҳурматга лойиқ. Биз ҳам халқимизнинг ҳаёт тарзи, анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда қўй жунидан гилам тўқиймиз. Гиламларимиз сифатли, замон талабига жавоб беради. Масалан, “ранги чўби” деб аталадиган гиламимиз табиий маҳсулотдан тайёрлангани учун ранги чиймайди, унга ҳашарот зиён етказас олмайд.

Тожикистон Республикаси вакили Фаррух Қурбонмамадов халқ амалий санъати соҳаси менежери. У фестивалга қўл меҳнати маҳсули бўлган ўндан зиёд турдаги маҳсулотларни олиб келган.

— Бу анжуманда илк бор қат-



нашяпман, — дейди у. — Бир дунё таассурот олдим. Халқ амалий санъати усталари асарларини кузата туриб, ўзбек ва тожик хунармандчилигидаги уйғун жиҳатлар қўлига амин бўлдим. Зотан, хунармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизнинг ўзига хос кўринишидир.

Айтиш жоизки, фестиваль дастуридан ранг-баранг тадбирлар жой

Фестиваль одатдагидек, қўҳна Арк кўрғонидан Лабиҳовуз мажмуасига қадар бўлган масофада қатнашчиларнинг тантанали юриши билан бошланди. Ёшлар, халқ амалий санъати усталари, фольклор дасталари, бадий ҳаваскорлик жамоаларидан таркиб топган юриш қатнашчилари аллақачон қадрият даражасига кўтарилиб улғурган элимизга хос меҳмондўстлик, бағрикенглик, тинчликсеварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини куй-қўшиқларда, бадий чиқишларда, халқ ҳақрамонлари образларида ифода этдилар.

Тадбирда сўз олган масъулла юртимизда халқ амалий санъати равнақи йўлида амалга оширилаётган ишлар, миллий хунармандлик равнақиға давлат томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор хусусида тўхталишди.

Уч кун давом этган фестиваль доирасида, шунингдек, тасвирий ва амалий санъат галереяси, давра суҳбати, маҳаллий ва хорижий дизайнлар иштирокида махсус модлар намойиши ўтказилди.

Фестиваль қўҳна Шаҳристон майдонидан ташкил этилган гала-концерт билан нирҳосига етди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

1200 ГЕКТАР МАЙДОНДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Тошкент вилоятида пахта, галла, шoли етиштиришда илғор технологияларни жорий этиб, замонавий лойиҳалар орқали аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган Қўйи Чирчиқ туманида кўп тармоқли “TST Cluster” пахта-тўқимачилик кластери жамоаси яна 50 гектар майдонда томчилатиб суғоришни йўлга қўйди.

Кишлоқ хўжалиги

Сув танқислиги яққол сезилаётган бүгунги кунда ғўза майдонларини самарали суғоришга, ҳосилдорлиқни муттасил оширишга йўналтирилган бу лойиҳа долзарблиги билан аҳамиятлидир.

— Бугунгача 1200 гектар майдонда ушбу тежамкор технология жорий этилди, — дейди кластернинг томчилатиб суғориш бўлими бошлиғи Аббор Фармонов. — Натижада шу пайтгача мавжуд бўлган



лар кўчатлар илдизига тўлиқ етиб боради. Бу эса сув ва ўғитнинг ариқ ҳамда зовурларда, эгатларда беҳуда исроф бўлишининг олдини олади. Айниқса, ёз чилласида экинлар илдизига намлиқнинг узоқ сақланиши таъминланади. Бунинг натижасида экинлар тез ривожланиб, ҳосилдорлик ҳам ошади.

Кластер корхонаси мутахассисларининг таъкидлашича, жорий йилда вилоятдаги яна 450 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими жорий этилади. Шу мақсадда жойларда зарур инфратузилма яратилиб, сув тиндириш ховузлари барпо этилмоқда.

Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Сирдарё туманида қўшма шикастланишлар ва қон-томир касалликлари маркази иш бошлади. Унинг қурилиши учун Давлат бюджетидан 13 миллиард сўм сарфланди.

Қулайлик

Тиббиёт муассасасида Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Сайхунбод ва Мирзаобод туманлари аҳолисиға, қолаверса, ушбу ҳудудлардан ўтган катта магистраль йўлда ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчиларига хизмат кўрсатилади. Йўл-транспорт ҳодисаси сабаб шикастланган, қон-томир тизимида жиддий муаммоси бор беморларға ма-лакали тиббий хизмат кўрсатилибгина қолмай, ташхисдан даволашгача бўлган барча амалиёт шў жойининг ўзида олиб борилади. Бу эса мазкур турдаги касалликларға чалинган беморларни соғлом



ҳаётға қайтариш, умр кўриш давомийлигини узайтириш имконини беради.

— Янги марказда 9 ўринли анестезиология ва реаниматология, 30 ўринли жарроҳлик, 2 ўринли гемодиализ, 10 ўринли инсультдан кейинги реабилитация

бўлимлари мавжуд бўлиб, улар энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган, — дейди Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Санъат Қодиров. — Қисқа муддатли ўқув курслари орқали ушбу марказда ишлайдиган мутахассисларнинг малакаси оширилди.

Айтиш жоизки, марказни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашға 15 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган. Хусусан, замонавий МСКТ, гемодиализ жиҳозлари ўрнатилди. Ушбу қулайлик касалликларға аниқ ташхис қўйиш имконини бериш билан бирға, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиши билан эътиборға молик. Негаки, авваллари бундай хизматдан фойдаланиш учун беморлар 50 километр йўл босиб, вилоят маркази Гулистон шаҳриға ёки пойтахтға боришға мажбур эди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ИЛК БИТИРУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА КУЗАТИЛДИ

Қарши шаҳридаги Президент мактаби 2021 йилнинг сентябрь ойида ўз фаолиятини бошлаб, 5 — 10-синфлар учун 144 нафар ўқувчини бир неча босқичли танловлар асосида ўз бағриға чорлаган эди. Бу йил ушбу мактабнинг 24 нафар илк битирувчиси тантанали равишда катта ҳаётға кузатилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда битирувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар, мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— Қувонарли жиҳати, 24 нафар битирувчимизнинг барчаси шў вақтға қадар хорижий тилларни билиш бўйича IELTS имтиҳонларида юқори балл тўплаб, тегишли сертификатларға эга бўлишди, — дейди мактаб директори ўринбосари Бекзод Маматқулов. — Бундан ташқари, 18 нафар битирувчимиз

халқаро хорижий олийгоҳларда ўқиш бўйича турли грантларни қўлга киритган. Ўз танлаган йўли ҳамда аниқ мақсадларға эга бу ёшлар олий таълим муассасаларида билим ва амалий қўникмаларини янада ошириб, келгусида етук мутахассислар бўлиб етишишиға ишонамиз.

Тантанали тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов иштирок этиб, битирувчиларға диплом ва эсдалик совғалар топширди.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

ДЗЮДО СПОРТ САРОЙИ ЁШЛАР ИХТИЁРИГА ТОПШИРИЛДИ

Урганч шаҳрида янги дзюдо саройи қурилиб, фойдаланишға топширилди. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Дзюдо спорт заллари қурилиши” лойиҳаси доирасида бунёд этилган ушбу мажмуа замонавий жиҳозланган бўлиб, спортчи ва мураббийлар учун барча шароит яратилган.

— Кейинги йилларда спортнинг дзюдо тури билан шуғулланадиган ёшлар сони сезиларли даражада ортди, — дейди тахрибали дзюдочи Турсунпошша Нурматов. — Бу спорт тури бўйича етук ва малакали мутахассислар етишиб чиқди. Спорт саройи аҳоли гавжум билан ва 3 та таълим муассасаси жойлашган ҳудудда барпо этилгани

ёшларимиз учун янада қулайлик туғдиради.

Спорт иншоотининг очи-лиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова, Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов иштирок этди.

Одилбек ОДАМБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).



62 ЙИЛЛИК КАКТУС, ҲАР ТУПИ 4 МИЛЛИОН СЎМЛИК ПАЛЬМА

Наманган вилоятида уч ҳафтадан буён давом этаётган 62-халқаро гуллар фестивали мазкур соҳа ҳудуднинг чинакал брендига айланганлигини яна бир қарра тасдиқлади.

алоҳида гулзорлар яратиб берди. Бу опа-сингилларнинг даромадли бизнес манбаига айланган. Масалан, ўзим саккиз сотихли иссиқхона ва очик майдонда йилиға эллик минг тупдан зиёд гул, манзарали бута ва цитрус ўсимликларини парваришлайман. Улар орасида ҳар түпи тўрт миллион сўм атрофида сотиладиган пальма кўчат-ларигача бор.

Гулчилик бизға йўналтирилган оилавий тадбиркорлиқни кенг йўлга қўйган Ҳалима Каримова фестиваль бозорчасидан ўзига ажратилган жойға ўн минг тупға яқин кўчатлар олиб келиб, қисқа вақт ичида 30 миллион сўм атрофида савдо қилди. Айтиши-ға қараганда, оиланинғ йиллик даромади 250 миллион сўмдан ортади. Сўлоланинғ яна бир вакили Нодира Каримова ўтган йилги фойдадан “Genta” автомашинаси олганиги, бу йилги даромад ҳисобига уни

“Malibu”ға янгилаш ҳаракатида эканлигини айтди.

Бозорчада қўшни вилоятлардан келган гулчилар ҳам анчагина. Улардан бири Андижон вилояти, Избоскан туманининг Ботиробод қишлоғи-лик Авазбек Мамадалиев ўзи етиштирилган 30 дан ортиқ турдаги гулларни келтирган. Ўтган кунлар мобайнида 15 минг тупдан ортиқроғини сотишға улғурди.

Бугун фестиваль манзилларининг барчаси кун бўйи, ҳатто оқшомдан тунға қадар одамлар билан гавжум. Чироқлар ёғдусида турфа ранглардан оловланган шаҳар борлиққа нур таратяпти. Бу ерға келган меҳмонларнинг қўлчилиги ўз уйлариға нафақат серзавқ томошалар шуқуқи, балки севиб харид қилган гул кўчатлари билан мамнун ҳолда қайтмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).



Туризм

УЧКЎПРИК ЛАВАНДАЗОРИ САЙЁҲЛАРНИ МАФТУН ЭТМОҚДА

Шу кунларда Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида лаванда сайли бўлиб ўтмоқда.

Ўн кун давом этадиган тадбирларда лаванда гули ва ифори-ридан тайёрланган маҳсулотлар кўرғазмаси, папайя, банан, годжи, киви, зайтунзордан иборат “Саломатлик боғи” бўлиб экосаёҳат, тиббиёт туризми ва мутахассислар кўриғи, турли концерт дастурлари ташкил этилади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ҳамда хориж-дан келган сайёҳлар шифобахш ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашға ихтисослаштирилган “Меҳриғиё” корхона-си лаванда боғларининг тақорорланмас гўзаллиғидан баҳра-манд бўлишлари мумкин. Бу ерда меҳмонлар махсус рецепт асосида тайёрланган таомлар, музқаймоқ ва салқин ичим-ликлардан татиб кўришлари, лавандазорда суратларға ту-шишлари мумкин.

— Лаванда сайлиға юртимиз ҳудудлари ва дунёнинг кўплаб давлатларида келган сайёҳлар табиат гўзалликлари билан бирға тадбиркорлик, хунармандчилик, қандолатчилик соҳа-сидаги ютуқларимизни алоҳида эътироф этишмоқда, — дейди Учкўприк туманидаги “Тошкентлигузар” МФЙ раиси Турсунхўжа Акбаров. — Ҳозир маҳалламиз ҳудудидаги “Меҳриғиё” корхонаси плантацияларида сайёрамиз қиъа-ларидан келтирилган юзлаб турдаги табиий ва доривор гиёҳлар парваришланяпти. Энг ноёб мевали манзарали дарахт-ларни маҳаллий иқлим шароитиға мослаштириш учун илмий-амалий тахрибалар олиб боришмоқда.

Хунармандчилик

ЁШ КУЛОЛЛАР ФЕСТИВАЛИ

Риштон туманидаги Халқаро кулолчилик марказида “Ёш хунармандлар” республика фестивали ўтказилди.



Тадбир доирасида хунармандлар кўрғазмалари, ёш кулол-лар томонидан маҳорат дарслари, касблар танлови ташкил этилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари учун фарғоналик санъат усталари ва ёш истеъодлар иштирокида катта кон-церт дастури намойиш қилинди.

— Болалигимдан кулолчиликка меҳр қўйиб, мазкур хунар сир-асрорини кўнт билан ўргандим, — дейди риштонлик Жавоҳир Усмоналиев. — Риштоннинг ноёб тупроғидан тайёр-ланган ранг-баранг буюмларимиз нафақат мамлакатимиз, балки хориждаги давлатларда ҳам харидорғир. Келгусида ку-лолчилик маҳсулотларим билан халқаро кўрғазма ва танлов-ларда иштирок этиш ниятидаман.

Мамлакатимизнинг моҳир ёш кулоллари жамулжам бўлган ушбу фестиваль доирасида танлов ҳам ўтказилиб, ҳакамлар ҳайъати хулосалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари голиб си-фатида эътироф этилди. Биринчи ўрин соҳиби 100 миллион, иккинчи ўрин 75 миллион, учинчи ўрин соҳиби 50 миллион сўм пул муқофотини қўлга киритди. Шунингдек, барча ишти-рокчилар 15 миллион сўмлик ваучерлар билан тақдирланди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эди. Ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганишга ва тарғиб этишга, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

УЛУҒ РУҲОНИЯТ, ЕТУҚ КОМИЛИК

Мисрда икки амирзода бор эди. Улардан бири илм ўрганиш билан, иккинчиси эса мол-дунё тўплаш билан машғул бўлди. Оқибатда бири ўз асрининг бемисл олими, иккинчиси эса подшоҳ бўлди. Шундан кейин давлатманд амирзода олим амирзодага таҳрир назари билан боқиб деди:

— Мен салтанатга эга бўлдим, сен эса ҳамон хор-зор бўлиб юрибсан.

— Эй биродар, мен Парвардигорга кўпроқ шукр айтмоғим керак, — деди унга жавобан олим амирзода. — Зероки, илм-фан эгаллаб, мен пайгамбарлар меросига эга бўлдим. Сен эса Миср мамлакати тахтига ўтириб, Фиръавн ҳамда Хомоннинг меросига эга чиқдинг.

Фиръавн ҳамда Хомон ўша одамхўдолар қатори хокка қоришди. Уларнинг мероси кукун бўлиб соврилди, бойликлари туپроқ остида қолди...



Бу — жаҳолат. Пайгамбарлар мероси саналган илм йўлидаги зотлар жаҳолат йўлини ёритиб, халқни эзгулик манзилгига олиб чиқди. Шу сабабли, Набий соллаллоху алайҳи васаллам буюрадики, олимларнинг ёмони амирларни зиёрат қилгани, амирларнинг яхлиси олимларни зиёрат этганидир.

Мавлоно Жалолиддин Румий эслатган ҳикматнинг кўпдан-кўп маънолари қаторида олимлар шахсига ишора ҳам мавжуд. Олимлар кўп, шахслар санокли. Асрлар силсиласида бармоқ билан санарли шахслар етишиб чиқиб, ўз сўзини айта олса, ўша халқнинг мангалайида кўёш балқиканидир. Ана шундай улуг шахслардан бири, атоқли олим ва адиб, улкан давлат арбоби, ислом мутафаккири Алихонтўра Соғуний қабрини зиёрат этиш учун пойтахтимизга келган хорижлик уламо “Ўзбек халқи тарихида Алихонтўра Соғуний ва Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари тўғрисида кўп йил юксак аҳамиятга молик бўлиб қолади”, деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Алихонтўра Соғуний ўтган аср бошларида мустабидлик зулми тўғрисида ўз юртини тарқ этишга мажбур бўлган ватандошларимизнинг оғир қисматида машҳур “Туркистон қайғуси” асарида ифода этилган. Бу асарнинг ҳар жумласи, ҳар сўзи остида халқ тақдири билан ўз қисмати билан боғланган жафоқаш инсоннинг қалби акс этиб туриши ҳам китобхонга яхши маълум.

Юртимиз мустақилликка эришиши муносабати билан Алихонтўра Соғунийнинг халқимиз озодлиги, диний эркинлиги борасидаги орзу-умидларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Асрлар давомида мустабидлик зулми остида ўз иродасини ифода этишдан мосуво қилинган, ташқи ва ички эзувчилар зулми остида ҳуқуқлари поймол бўлган халққа мустақиллик моддий томондан ер ости ва ер усти бойликлари қайтариб бериши асосида маънавий жиҳатдан унинг онгини тажовузлардан қотиб қолган тушунчалардан тозалаб, Ҳақ йўлига бошлamoқ вазифаси кўнданлаб турарди. Шундай оғир ва масъулиятли даврда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзбек халқининг раҳнамоси сифатида ўртага чиқди. Тақдирини қарангки, орадан салкам бир аср вақт ўтгач, Алихонтўра Соғуний қисмати бу раҳнаманинг ҳам бошига тушди. Бу гал Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф туғилган юртни тарқ этишга мажбур бўлса-да, юрт қисмати, халқ тақдири борасида Яратган томонидан зиммасига тушган вазифани теран

Улуғ шоирлигидан ташқари шайх мақомига эга бўлган Саъдий ҳазратларининг “Гулистон” асарида келтирилган бу ривоят инсониятга ҳаёт ва унинг мазмунини ҳақида асрлар давомида сабоқ бериб келади. Расуллар эғнидаги ямоқ чопон қимматбахо зарбоф тўнлардан азизроқ бўлгани каби, маънавий қашшоқ кишини чексиз бойликлари мансаблар фазилатли қила олмаслиги фиръавнлар тарихида кўп кузатилган.

Қадим тарих қатларида жо бўлган ҳаёт ҳақиқатлари қайта-қайта синновдан ўтади. Тўғри хулоса чиқара олмаганлар зулму ситам, алдову ёлғонлар эвазига тўпланган бойликлардан роҳат-фароғат топа олмайдилар. Тарих ҳақиқати шу. Илоҳий ҳукм шундай. Узоққа бормай, Бухоро амирлари парча нонга зор халқидан яшириб, саржинлаб ўлганлар тиллалари тақдири ҳақида эслашнинг ўзи қиёос.

англаб, уни хорижда туриб бажаришга сид-қидилдан киришди. Зеро, қаерда бўлмасин, у шу туپроқ, шу халқ билан ялакат бирлашиб кетган эди.

Бундай чоғларда беихтиёр ҳозирги кунда буюк аждодларимиз сифатида номлари фалару ифтихор билан тилга олинадиган, аммо ҳаётлик вақтида инсоният тамаддунига бекиёс улуш қўшгани холда ўз юртига ситмаган Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий каби буюк ватандошларимиз ёдимизга тушади. Алихонтўра Соғуний ўтган аср бошида мустамакчилар тазйиқидан туғилган гўшасини тарқ этишга мажбур бўлган бўлса, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф туҳмат ва ғийбатлар кўчма-тўчма билан 1993 йилда Ўзбекистонда кўчиб кетишга мажбур бўлади. Аввал Саудия Арабистонида, 1994 йил Ливияга бориб, 2001 йилгача ўша ерда мусофирчиликда яшаб, кўп китоблар ёзади.

Бу буюк инсон бегона мамлакатларда юрт соғинчи билан яшашига мажбур бўлди. Аммо халқлар тарихи шуни кўрсатадики, буюк зотларнинг ҳақ гапларига дош беролмаган сиркаси сув кўтармаганларнинг ўзлари хор бўлиб, ёмонотлиққа чиқишган. Илоҳий ҳукм шундай. “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **қоғирлар сизни ҳисоб қилиш, ё ўлдириш, ёки** (Маккадан) **чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эслан!**” **Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам “макр” қилур. Аллоҳ “макрор”-роқдир**”. (Анфол сураси, 30-оят).

Бугунги кунда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали истаганча маълумот олиш мумкин. У кишининг қаламига мансуб асарлар қайта-қайта нашр этилиб, халқимиз ижтимоий онгининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Шунинг баробарида, олимнинг ибратли ҳаёти, асарларидаги теран мазмунларнинг янгила талқинлари бизни мафтун этишадиган ташқари тўғри йўлга бошлайди. Бу Ҳақ йўлидир. Ҳақ йўли ҳамisha собитдир.

Айтишларича, бир киши шайх ҳазратларининг ҳузурига келиб, ўғлига ҳам яхши ниёт билан унинг исмини қўйганини, аммо фарзанди аржуманди илм олиш ўрнига, аксинча, номақбул йўллардан кетиб қолгани борасида айтиб қолади.

— Нима қилсам экан? — нажот истаётгандек шайх ҳазратларига мўлтираб қарайди ота. — Мен аслида ўғлим ҳам сиз каби бўлишини истаган эдим. Шайх ҳазратлари ундан ўғлининг таълим-тарбияси билан қандай шуғуллангани ҳақида сўраганида, маълум бўладики, ота яхши ниятнинг ўзи билан қифояланиб, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ борасида қайғуришни ҳаёлига келтирмаган экан.

Шайх ҳазратлари бола тарбияси борасида мисол келтириб, отаси Муҳаммад Юсуф домла Бойбўта ўғли болалигида унга қандай китоб ёд олдирганини айтиб беради. У ўғли Муҳаммад Содиқнинг тонг сахардан катта бир тош устига чиқариб, қўлига китоб берган.

“Мана шу жойини ёдлаб, кейин тошдан тушасиз”, дея шартини ҳам айтиб қўяркан. Китобдан кўрсатилган жойни тезроқ ёдлаб олмаса, ҳадемай, қуёш чиқишини, кейин қиздира бошлашини,

бошидан офтоб ўтиб, ёдлаш нари турсин тош устида туришнинг ўзи ҳам мушкул бўлиб қолишини яхши билган Муҳаммад Содиқ отаси қўйган вазифани тезроқ бажариш учун диққатини бир жойга жамлаб, қуёш юз кўрсатганича китобда белгиланган жойларни ёдлаб оларкан.

Бу гапларни эшитиб, ўғлига Муҳаммад Содиқ исмини қўйган ота нима деярли билмай, бош эгиб қолибди.

— Муҳаммад Содиқ бўлиш учун унга Муҳаммад Юсуф каби ота тарбияси ҳам лозим бўлади, — дея ўзига хос нуктадонлик билан лутф қилган экан шайх ҳазратлари.

Ҳақиқатан ҳам, у кишининг отаси Муҳаммад Юсуф домла Бойбўта ўғли Андижон вилоятининг кўзга кўринган аҳли илмларидан, тақво ва ибодатда мустаҳкам, дину эл хизматида камарбаста киши бўлгани ҳақида ёзилади. Муҳаммад Содиқнинг илк устози ҳам отаси бўлган экан. У бошланғич диний таълимни ҳам, Қуръони карим, сарф, нахв каби бошланғич илмларини ҳам падаридан ўрганган ва шу тариқа илмга, китобга қаттиқ муҳаббат қўйган экан.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг кўп китоб ўқиб, дунё илмларидан хабардор бўлгани у кишига Қуръони карим, ҳадиси шарифда келган ҳақиқатларни илмий жиҳатдан тадқиқ-таҳлил этиш имкониятини берган эди. Бу ҳол Қуръони карим таржимаси, бу муқаддас китобнинг тафсирига бағишланган олти жилдлик асарида намён бўлади. Тафсиллар, таржималар, ақидалар, маъаблар, ихтилофлар, руҳий тарбия, иймон, фолбинлик, сеҳргарлик, жин қақириш ва но-анъанавий даволаш каби ишлар ҳақиқати, ёлгон, исроф, тақводорлик, намоз, рамазон, кексаларни ёъозлаш, ижтимоий одоблар, зикр, руҳий тарбия каби ўнлаб мавзуларнинг ҳар бирини оддий китобхондан тортиб илм ахлагача бирдек аҳамиятга молик даражага етказиб муфассал очиб бериш учун улкан салоҳият, иқтидор ва билимдан ташқари сабр-тоқат, чидам ҳам талаб этиладими, бундай фазилатлар бир инсон шахсида мужассам бўлишининг ўзи ноёб ҳодиса ҳисобланади.

“Абу Саъид розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Ансорийлардан бир катта одамлар Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламдан (мол) сўрадилар. Бас, У зот уларга бердилар. Сўнгра яна сўрадилар. Яна бердилар. Сўнгра яна сўрадилар. Яна бердилар. Хаттоки, ҳузурларидаги нарсалар қолмади. Шунда У зот: “*Ҳузуримда не яхшилик бўлса, сизларга бермай қолмасман. Ким ифбат талаб бўлса, Аллоҳ уни ифбатли қилур. Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур. Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмади*”, дедилар”.

Илм эгалари ўзларига бор нарсалари — илму маърифатни ўзгаларга бериш орқали ҳам ўзлари юксак мақомларга эришади, ҳам ўзгаларни эзгу йўлларга етаклайди. Бундай инъом инсонга кўзгу тутайди. Уни нуқсонларидан огоҳ этади. Атоқли адиб Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, “Табиати қандай қилиб асраш, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотаришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажанини, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандоқ бўлиши кераклигини билмоқ керак”.

Шу маънода, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг исломда инсон ҳуқуқлари, экология, оила масаласи, ижтимоий одоблар, бозор, қарз каби мавзуларни ёрити-



ши унинг замонавий илм-фанлардан чуқур хабардорлигини намён этади. Бугунги кунда эркин дунё даъвосини қилган мутараққий мамлакатларда одоб-ахлоқ, маданият, маънавият аталмиш тушунчаларга ўзгача ёндашув вужудга келди. Хатто жинсдошларнинг турмуш қуриши маъқулланиб, “улар ҳам Тангрининг болалари ва оила қуриш ҳуқуқига эга”, дея эътироф этилиши инсониятга ҳақам ҳам келтирмаган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган касалликларни келтириб чиқарадиган омиллардан кўз юмishi англатади.

“Ummat.uz” сайти орқали тақдим этилган видеороликда Тўхтабой жоме масжиди имом-хатиби Исҳоқ Муҳаммад домла 2003 йилда бир гуруҳ дин вакиллари шайх ҳазратлари бошчилигида ривожланган давлатлардан бирига сафар қилишгани ҳақида айтиди. Улар дунёнинг етакчи бу мамлакатдаги эътиборга сазовор жойлар билан танишишади, турли муассасаларда бўлишади. Шундай муассасалардан бири ОИТС касаллигини даволаш шифохонаси бўлган экан.

Биз беморларни бу касаллик билан оғригани учун камситмаймиз, уларга ҳамма қатори муносабат қиламиз, — дейди ватандошларимизга йўлбошловчилик қилаётган шифохона масъул ходими. — Улар учун миллиардлаб маблағлар ажратиб, даволаш йўлида сарфлаб юборамиз.

Масъул ходим ОИТС билан оғриган беморлар учун яратилган шарт-шароитларни кўрсатиб, инсонпарварлик ҳақида ваъз бошлаганида шайх ҳазратлари:

— Беморларнинг динини биласизми? — деб сўраб қолади.

Бизда инсон ҳуқуқлари барчага баробар, — бироз малолланиб жавоб қайтарди масъул ходим.

Агар динни суриштирсангиз, улар орасидан бир нафар ҳам мусулмон тополмайсиз.

— Нима учун?

— Чунки ислом дини ҳаром-ҳаридан, зинодан, ғиёҳвандлик моддаларни қабул қилишдан, маст қилувчи ичимликлар истеъмолидан, ҳамжинсларнинг нафақат турмуш қуришини, балки уларни бир-бирлари билан яқинлик қилишдан қайтарди, — тушунтиради шайх. — Мусулмоннинг қалби вужуди каби, вужуди қалби каби покиза бўлади. Бундай касаллиқнинг илдиизи маънавий бузуқликдандир.

Бу сўзларни эшитган масъул ходим шайх ҳазратларидан бу борада дастур тузиб беришини сўраганида шундай жавоб олади:

— Менинг сизларга дастур тузиб беришимнинг сира хожати йўқ. Бу дастур бир ярим минг йил аввал пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга нозил қилинган муқаддас Қуръони каримнинг оятларида, ҳадисларда ўз ифодасини топгандир.

Ҳақиқатан ҳам, минглаб йиллар давомида синновдан ўтган маънавий-ахлоқий тушунчаларни, қадриятларни назар-писанд қилмай, янги олам очмоқчи бўлаверши тажрибаси инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келади.

Банибашариятнинг тақдирини ўқтир файласуф, жамият қонун-қоидаларини моҳир сиёсатчи, инсон руҳиятини кўпни кўрган рушнуос каби талқин қилиш лаёқатига эга бўлган шайх ҳазратлари даврнинг долзарб масалаларига муносабатда бўлишда муқаддас ислом дини маърифатига суянган ҳолда иш тутиши ва бунга ўзи ҳам амал қилиши унинг билимдонлик ва инсонийлик си-

фатларини беэзаб турарди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг ўзбек адабиётига муносабатига ижодкорларнинг ҳақ сўзини айтишига даъвати алоҳида ибратли ҳодисадир. Шоир ва ёзувчилар сўз билан ишлагани, олимнинг эса сўзини муқаддас билгани бу муносабатларга самимий руҳ бағишлаган. Ижодкор қисмати халқ тақдири, иймон-эътиқод, виждон, орият, дин ғами билан чамбарчас боғланиши кераклигига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмасди. Мустабидлик қиличи ҳали халқимиз боши узра муаллақ осилиб турган 1991 йилда ўтказилган Ўзбекистон ёзувчиларининг X қурултойида Ўрта Осиё ва Қозғистон жумҳуриятлари диний бошқармасининг бошлиғи сифатида сўзга чиқиб, айтган фикрлари бугунги кунда ҳам адабиёт аҳли учун дастуриламалдек янграб туради:

“Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим, — дея сўз бошлаганди шайх ҳазратлари. — Аввало, мен барча ёзувчиларни — халқимизнинг асл гуллари бўлган етуқ мураббийларни тарихий қурултойингиз билан муборакбод этаман. Аллоҳ тало билан анжуманларингизнинг хайрли, дўстона ўтишини, халқимиз қалбига яхшилик бўлиб етиб боришини тилаган бўлардим. Сиз ёзувчилар халқимизнинг ғами билан яшадингизлар, унинг энг яхши ниятларини амалга ошириш йўлида қалам тебратдингизлар. Бу ёзган аҳойиб асарларингиздан ҳам маълум. Лекин халқимизнинг ҳозирги аҳволи сизлар янада кўпроқ меҳнат қилишини тақозо этади. Шу учун қурултойдан кейин сизларнинг ҳаётларингизда туз бўрилишлар бўлиши лозим.

Бу бўрилишлар нималардан иборат? Аввало, сизлар олдингизда раҳбарларни эмас, халқни улуғламоқ йўлидан боришингизни тилардим. Қолаверса, сизлар фақат ҳақиқат йўлига, халқ манфаатига хизмат қиласизлар, деб умид қиламан. Халқимиз қадим-қадимдан юксак маърифатли, маданиятли, иймон-эътиқодли бўлган. У доимо маънавий юксаклик учун интилган. Лекин кейинги 74 йиллик ҳаёт бизни моддий нарсаларга қарам қилиб қўйди. Ҳисобот даврида маълум бўлдики, хатто ижодий ташкилот ҳам бундай иллатдан четда қолмаган. Ижодкорларимиз орасида ҳам раҳбарликка интилганлар, машина, уй, ҳовли-чорбоғ ва бошқа моддий бойликлар ортидан қувганлар бор экан. Эндилкида ана шу дард қулгилардан халос бўлишингиз керак”.

Бу сўзлар қулоғимиз остида бизга руҳ бағишлаб туради. Ижодга муносабатимизни тарбиялайди. Элу юрт, халқ ғами билан яшамокдек юксак аъмолнинг саодатларидан сабоқ беради бу сўзлар. Шу сабабли бўлса керак, шайх ҳазратлари ўзбек ижодкорларининг ҳаётидан ҳар қандай ижодий ташкилотдан кўра кўпроқ хабардор эди, десак, муболағла бўлмас.

Жумладан, ўн бир ёшида бахтсиз тасодиф тўғрисида икки кўзидан ажраб адабиётга меҳр қўйгани тўғрисида заҳ-

матли ҳаётини нурга эврилтирган Қобил Мирзо бир умр ижод завқ-шавқи билан яшади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро Бобур мукофоти совриндори бўлди. Китоблар ёзди. Фарзандлар тарбиялади. Тўрт мучаси соғлом бўла туриб, умрини беҳуда ўтказганлардан фарқли ўлароқ ҳамма ҳавас қиладиган ҳаёт кечирди. Ёзган асарлари тўғрисида оёру-эътибор қозонди. Унинг шеърларини Орол Мирзо қўшиқ қилиб қуйлаганида минг-минглаб одамлар ҳаёт ва унинг мазмунини ҳақида ўйга толиб, ҳаёл суриб қолишар эди. Вафот этганидан беҳабар қолган шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ Қобил Мирзонинг маърақаси ўтказилаётганида ҳовлиси дарвозасидан кириб келганида, бу хонадонга файз шуқуҳ, мунавварлик нури ёприлиб кирганини хис этишганини ўша жойда жам бўлганлар ҳозиргача бир-бирларига айтиб юришади. Шайх кириб келиб, марҳумнинг яқинларига таъзия билдиради. Махалланинг оддий одамлари, қўни-қўшнилар, қавму қариндошлар билан камтарона дастурхон атрофида Қуръон оятларидан тиловатлар, дуолар қилади. Эндилкида Қобил Мирзонинг ўғли Зафархоннинг саъй-ҳаракатлари билан мана шу даврда олиб қўйилган видеотасвирни кўрган ҳар бир киши бу дунёнинг ўткинчилиги, ислом маърифатига амал қилиб ҳаёт кечиратиш афзалликларини катта бир сабоқ сифатида қабул қилади. Шайх ҳазратларининг ўз халқини нечоғли яхши қўришига яна бир бор амин бўлади. Халқ тўғри сўз, тўғри фикр уламсини нечоғли ёъозлашга тасанно айтади.

Ахир, биз киммиз шу жафоқаш халқ қаршисида?! Яна бир иқтидорли шоир Аъзам Ўқтамнинг “Тараддуу” китоби ҳақида эса муҳтарам шайх шундай деганди: “Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган — шеърят мана шу даражага чиқса эди деган хоҳиш, истакни айнан “Тараддуу” китобида кўрдим. Аввало, тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўқтамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иқтидорли шоир ватандошнинг танимаслиқ, албатта, биз учун обрў ҳам бўлмас”.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ ўзбек адабиётига қўшган улушини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Адабий жараёнда бир бўшаб қолган бўлиқни у кишининг китоблари тўлдирмаганида, ҳолимиз не кечарди, тасаввур этиш мушкул. Шундай бўлдики, маънавий-ахлоқий қадриятлардан йироқ кўча адабиёти, чучмал оҳанглар, мадхиябозлик, яланғоч ташбеҳлар адабий дид ва савиянинг тубанлашиб кетишига олиб келди. Халқ шайхнинг китоблари томон юз бурди. Эндилкида бу асарларни халқимизга арзон ва қулай тарзда етказиб беришимиз бу инсоннинг руҳини шод қилади. Зеро, у киши бегона элларда ўз халқи ғамини ёд ёзган китоблардан фойда олишни эмас, маънавий қамолот ҳақида ўйлаганларни, шубҳасиз.

**Шойим БЎТАЕВ
(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмазалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов,
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.56 Тошпирилди — 03.20 1 2 3 4 5 6